ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# Ishonch

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

*Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган*

2006 йил 11 июл, сешанба № 116 (2165)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 июл куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Гернот Эрлерни қабул қилди.***

- Ташрифингиз икки томон манфаатларига хизмат қиладиган ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Германиянинг интилишлари муштарак эканлигидан яна бир далолатдир, - деди Ислом Каримов. - Ўзбекистон ва Германия ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимизнинг маданиятини ўзаро бойитиш борасида катта тажрибага эга.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий, савдо- иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Учрашувда ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди,

*Ёзги соғломлаштириш*



## УЗУНДА ШУНДАЙ ОРОМГОҲ БОР

***Чор атрофи дарахтлар билан ўралган, салқин ва хушманзара табиатга эга Х.Қулниёзов номли болалар оромгоҳи Узун тумани марказида жойлашган. Сурхон воҳаси зиёлиларининг минг нафардан ортиқ фарзандини соғломлаштириш режалаштирилган мазкур дам олиш масканида мавсумга катта тайёргарлик кўрилди. Ҳудудни ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Ошхона мукаммал таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, қўшимча овқатланиш хонаси қурилди. Натижада бир вақтнинг ўзида 250 нафар ўғил-қизнинг овқатланиши учун имконият яратилди.***

Болажонлар дам оладиган хоналарда катта ҳажмда оқлаш ва бўяш ишлари амалга оширилди. Янги кўрпаю чойшаблар, ёстиқ ва кўрпа жилдлари келтирилди. Ҳар қадамда ўрнатилган ёзув лавҳаларида болажонларни яхшиликка ундовчи ўгит сўзлари битилгани киши эътиборини тортади.

Дастлабки босқичда Термиз шаҳри, Сариосиё, Термиз, Узун туманлари халқ таълими бўлимларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 230 нафар фарзанди дам олмоқда. Етти гуруҳга бўлинган дам олувчи ўғил-қизларнинг ёзги таътиллари мароқли ва кўнгилдагидек ўтмоқда. Улар ўртасида ҳар куни футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилаётир. Бундан ташқари, спорт майдончаларида «Бўрон», «Минди», «Елкада кураш», «Тортишмачоқ» каби миллий ўйинлар ўтказилмоқда. Гуруҳлараро бўлиб ўтаётган тез югуриш баҳслари болаларнинг жисмонан чиниқиши ва соғлом бўлишига хизмат қилади. Сув ҳавзасида эса ўғил-қизлар фақат чўмилиб қолмай, сузиш сирларини ўрганишаяпти.

— Оромгоҳимизда болаларнинг дам олишини кўнгилдагидай ўтказиш учун хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ҳудудда ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилган. Бош тарбиячи Н.Ниёзова ва Ф.Мирзаева, Г.Худойбердиева, Д.Абдусаломова сингари педагог-тарбиячиларимиз болалар ўртасида турли саҳна кўринишлари, кўнгилочар ўйинлар, қўшиқ ва тез айтиш танловлари ўтказишга бош-қош бўлишаяпти. Болаларни табиат қўйнига саёҳатга олиб чиқаяпмиз. Бу борада улар нималарга эътибор беришлари ҳақида эслатмаларни суратли кўргазмалар асосида тушунтириб бораяпмиз. Аҳамиятли томони шундаки, сайр давомида болажонларимизнинг юртимиз табиатига меҳри ошади. Атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди. С.Қурбоннazarова бошчилигидаги қўли ширин ошпазлар фарзандларимиз учун мазали таомлар, лаззатли шарбатлар, яхна ичимликлар тайёрлашмоқда. Шифокор М.Эшназарова ва ҳамшира Р.Жўраева овқатларнинг сифати ва калориясини доимий назорат қилиб боришади. Болаларга кунига тўрт маҳал иссиқ овқат берилади. Боғ ва полизларда пишиб етилган ёз неъматлари ҳам уларнинг дастурхонини безамоқда, — дейди оромгоҳ директори Ҳикматилло Шаймардонов.



Дам олиш масканида ёзни мароқли ўтказаётган ўғил-қизларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, яратилган қулай шарт-шароитдан мамнун эканликларини билдиришди.

— Мен мазкур оромгоҳга уч йилдан буён келаман. Очиғи, бу ер менга жуда ёқади. Тарбиячи ва етакчиларнинг ширин муомаласи, ошпазларнинг хилма-хил мазали таомлари, энг муҳими, масканнинг хушманзара табиати, салқин об-ҳавоси кўнгилга ҳузур бағишлайди. Шу боис бу ерга қайта-қайта келаяпман, — дейди термизлик ўқувчи Сардор Аҳмедов.

Дарҳақиқат, болалар оромгоҳида ўғил-қизларимиз мириқиб дам олиш билан бирга, ўзларининг бетакрор ва беғубор болалик онларини гўзал таассуротлар билан бойитаётганлиги кўнгилда қониқиш уйғотди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОЙИШИ*

## Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш борасидаги таклифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида

***Етиштирилган мева ва сабзавотлардан самарали фойдаланиш ҳамда нобудгарчиликларга йўл қўймаслик, фермер хўжаликлари ва агрофирмаларни замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш, тез қайта созланадиган ихчам ишлаб чиқаришлар билан таъминлаш ҳисобидан уларни комплекс қайта ишлаш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида:***

1. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги таклифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Ишчи гуруҳ икки ой муддатда: мутахассисларни жалб этган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича уларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи жаҳонда пешқадам хорижий мамлакатлар (Германия, Венгрия, Италия ва бошқалар) етакчи компанияларининг замонавий ускуналари ва мини-технологияларини пухта ўрганиб чиқсин, уларнинг техник-иқтисодий тавсифини Ўзбекистон шароитида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва рақобатбардош, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича қатъий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий баҳоласин;

маҳаллий ва хорижий тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича улар билан фермер хўжаликлари ва агрофирмаларни таъминлаш учун тез қайта созланадиган ихчам замонавий технологик ускуналар харид қилиш шакллари ва Ўзбекистонга етказиб бериш механизмини ишлаб чиқсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда, фермерлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, туманлар бўйича мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта созланадиган ишлаб чиқаришларнинг аниқ турларига бўлган талабни атрофлича ўрганиб чиқсин ҳамда улар билан фермер хўжаликларини, кичик корхоналар ва агрофирмаларни жиҳозлаш эҳтиёжларини аниқласин;

хорижий тажрибани ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича харид қилинадиган хорижий ускуналар ва мини- технологияларга хизмат кўрсатувчи сервис тармоғини ташкил этиш, ходимларни мазкур ускуналардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатишга ўқитиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

3. Ишчи гуруҳ, олиб борилган ишлар асосида, фермер хўжаликлари ҳамда улар томонидан ташкил этилган агрофирмаларга мева ва сабзавотларни қайта ишловчи ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта созланадиган ихчам ишлаб чиқаришларни етказиб бериш ва таъминлаш бўйича аниқ таклифларни, мазкур вазифани янги мевалар, сабзавот ва узум етиштиришнинг янги мавсуми бошланишигача ҳал этишни назарда тутган ҳолда, 2006 йилнинг 1 сентябригача Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Қуйидагилар: Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари Комплекси зиммасига мазкур Фармойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган барча ишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш вазифаси; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар ҳокимликлари зиммасига мазкур Фармойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик юклансин.

5. Ишчи гуруҳга ўз зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришга вазирликлар, идоралар ва тадқиқот марказлари мутахассисларини жалб этиш, сифатли таклифлар тайёрлаш учун зарур маълумотларни сўраб олишга рухсат берилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 июл

*Бугунги ёшлар*

***Орамизда ёшликнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланаётганлар талайгина. Шулардан бири жиззахлик талаба — Фаррух Жабборов. У 1984 йилда Жиззах туманида туғилган. 9-синфгача тумандаги 12-мактабда ўрта маълумот олган бўлса, 2000-2002 йиллар давомида Жиззах шаҳридаги Зокир Норматов номли иқтидорли болалар лицей-интернатида таълим олди. 2003 йил Абдулла Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтининг тарих факультети талабаси бўлди. Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида республика олимпиадасида икки бор 2-ўрин соҳиби бўлган.***

## КЕЛАЖАГИНГ ПОРЛОҚ БЎЛСИН, ФАРРУХ

**— Фаррух, тарихга қизиқишингизнинг сабаби нима?**

— Ҳар бир одам болалигидан нимагадир қизиқади. Кимдир техникага ишқибоз, кимдир спортга. Лекин замонавий, маданиятли инсон, албатта, ўз юртининг тарихини билиши керак, деб ўйлайман. Юртимиз тарихига бўлган қизиқишим талаба бўлганимдан кейин янада кучайди. Жаҳон тарихи — тамаддунлар, маданиятлару фалсафий оқимлар. Улар шундай сирли олам эканки, беихтиёр сизни оҳанграбодек ўзига тортаркан.

**— Илмий ишингиз ҳам қадимги дунё тарихидан экан.**

— Ҳа. Қадимги Хитой мавзусида. Маълумки, кўҳна Чин жаҳон тамаддунининг бешикларидан ҳисобланади. Бу сирли ўлка билан Ватанимиз ўртасида қадим-қадимдан савдо-сотиқ, ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқалар мавжуд бўлган. Шу боис қадимги Хитой тарихига қизиқишим ортди. Тўғри, Хитой биздан анча олис. Шунинг учун ҳозирча интернет манбаларига таяниб иш кўраяпмиз. Устозим, тарих фанлари доктори, профессор Фания Ахмедшина билан рисола тайёрлаяпмиз. Насиб қилса, ишни магистратура, аспирантура даражасида давом эттириш ниятларим бор.

**— Бундан ташқари ЎзХДП Жиззах шаҳар бўлими Кенгашининг Ёшлар қаноти раиси экансиз...**

— Ҳа. Умуман бугунги ёшлар ҳар томонлама фаол бўлиши лозим деб ўйлайман.

**— Институтда дарслар, илмий иш. Яна нималар билан шуғулланасиз?**

— Тарихга қизиққан ёшларга қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Ўргатиш жараёнида ўзим ҳам ўқийман, ўрганаман. Билганларингни такрорлаш ҳам фойдали. Менга қолса, ёшлар дарсдан, касбий фаолиятдан бўш вақтида бирор бир қўшимча меҳнат билан шуғулланишса, Партиядаги асосий ҳаракатимиз ҳам ёшлар фаоллигини ошириш. Уларда тарғибот-ташвиқот, давра суҳбатлари, фикр алмашишлар орқали ғоявий «иммунитет» ҳосил қилиб, тенгдошларимни террорчилик, диний экстремизм каби зарарли оқимлардан, гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатлардан ҳимоя қилиш.

ҳам ўзига, ҳам жамиятга фойда бўларди.

**— Бўш вақтингизни нималарга сарфлайсиз?**

— Севимли машғулотим китоб ўқиш. Илмий-фантастик асарларни севиб мутолаа қиламан. Айниқса, Жюль Верн, Артур Конан Дойл, Ҳожиакбар Шайхов асарларини. Испан рассоми Пабло Пикассо асарларини томоша қилиб, ҳордиқ оламан. Ўзим ҳам манзарали суратлар чизиб тураман.

**— Келажакдаги режаларингиз қандай?**

— Инсон ўз ҳаётини маълум маънода ўзи яратади. Мен тарихчи бўлмоқчиман. Юқорида айтганимдек, илмий ишимни давом эттираман. Бироқ, кўпгина жаҳоншумул сиёсатчилар ҳам ёзувчи, журналист, олимлар орасидан чиққан. Шундай экан, партиядаги ишимни ҳам давом эттираман.

Биз ҳам Фаррух каби интилувчан ёшларнинг келажаги порлоқ бўлишига ишонамиз.

**Зуҳра МАМАДАЛИЕВА,**
**Жиззах вилояти**



*Суратда: Ф.Жабборов (ўртада) ЎзХДПнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти умумреспублика конференциясида*

*Бир хат изидан*

***Андижонлик Машраб Жўраев Мирзачўлни ўзлаштиришга ҳисса қўшаман, дея қишлоғидан йўлга чиққанида жуда ёш эди. Орадан қанча йиллар ўтди. Чўлқуварларнинг кўз ўнгида оламшумул ўзгаришлар юз берди. Табиийки, Оқолтин туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигига асос солинганда, бу ер ҳам чиябўри-ю, шоқолларга бошпана эди. Ҳозир кўриб, кўзларингизга ишонмайсиз. Бунда Машраб аканинг ҳам муносиб улуши бор. Чўлни ўзлаштирди, уйланиб, бола-чақали бўлди, бир этак набиралари шу жойда улғайди.***

## САБР ТАГИ САРГАРДОНЛИКМИ?

Лекин ўтган давр сарҳисобидаги бир нарса унга алам қиларди. Қақроқ заминни обод қилиб, шунча йил меҳнати синган одамларнинг негадир бири икки бўлмас, тонналаб маҳсулот етиштирилса-да, ҳузурини ўзгалар кўрарди. Юрт мустақиллиги эълон қилинган кун у ана шуларни эслаб юм-юм йиғлади.

— Энди ота-боболаримиз эришолмаган дориломон кунлар шукуҳи бағримизга офтоб тегдирди, армонли орзулар ушалишига умид боғлаймиз, деган ният билан фарзандларини қаватига олиб, далада меҳнат қилди.

Қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш ва соҳада ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида ҳамда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уни кенг авж олдиришга оид Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Машраб Жўраев каби деҳқонларни ҳам хайрли ишга ундади. Ўша йили миришкор ширкат тасаррufидан ер олиб, фарзандлари билан сидқидилдан меҳнат қилди. Ўзини ҳақиқий мулкдор деб билиш, ерга эгалик ҳисси янгилик ихлосмандларига куч-қувват ато этди. Оила ҳамкору ҳамжиҳат бўлиб, ички имкониятларни ишга солди.

Туман мутасадди ташкилотлари билан ўзаро манфаатли асосда тузилган шартномаларда уруғлик ва кимёвий дориларни пудратчига вақтида етказиб бериш қайд этилган бўлса-да, уларни ўз ҳисобидан олиб, мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилди. Самараси эса чакки бўлмади.

Уч йил аввал ислоҳотлар шарофати билан ана шу хонадонга яна бир қувончли воқеа юз берди. Яъни, ўзлари меҳнат қилган 69 гектар экин майдони узоқ муддатга ижарага берилди. Шу тариқа "Жўра Машраб" фермер хўжалиги амалдаги қонунлар доирасида таркиб топди. Ўтган даврда жамоа аҳлининг изланишлари, агросаноат мажмуидаги илғор тажрибаларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ва қолаверса, меҳнатга иштиёқнинг ўсиши панд бермади. Аввало, ер унумдорлиги ҳамда тупроқ таркиби яхшиланди. Ҳосилга ҳосил қўшилиб, рентабеллик даражаси меъёрига етди. Ишчилар манфаатдорлиги ортиб, хонадонларга тонналаб буғдой тўкилди, қўшимча даромад манбаи яратилди.

Ҳолбуки, яқин-яқинларгача фалончининг шунча гектар ери, банкда ўз ҳисоб рақами бор экан, дейишса эшитганлар ҳеч иккиланмай шу гапни айтганни телбага чиқаришлари тайин эди. Бугун юртимизда яшаётган ҳар бир киши қайсидир банкнинг мижози. Юзлаб, минглаб гектар ер олиб, мулкдорлик қилаётганлар жуда кўп топилади. Истиқлол шукуҳи одамларга ана шундай имконият яратиб берди.

Бироқ кўнгилга хиралик солувчи воқеа-ҳодисалар ҳам йўқ эмас. Мавсумни якунлаб, кейинги йил режалаштирилаётган бир пайтда кимлардир фаолиятингга ноқонуний аралашиб турса, алам қиларкан. "Жўра Машраб" фермер хўжалиги ўтган йилни худди шу тариқа якунлади. Буғдойдан мўл ҳосил етиштириб, асосий экин — пахтага эътиборни кучайтирди. Агротехник тадбирлар самараси ўлароқ, шартнома шартлари уддаланди. Лекин йиғим-терим якунланиш арафасида туман ҳокими уни ўз қабулига чорлаб қолди.

— Кузги ғалла экиш бўйича туман дон маҳсулотлари билан шартнома тузиш керак эди. Шу сабабли йиғилиш бўлса керак, дея ўйлаб, ҳокимиятга ўғлимни юбориб, ўзим эса шартнома тузгани бордим, - дейди фермер хўжалиги раҳбари. — Кейин билсам, мутасаддилар ўғлимдан "пахта режасини бажаролмаганимиз учун тасарруфимиздаги 69 гектар майдонни ўз аризамизга кўра қайтариб топширамиз" деган мазмунда мажбурлаб ёздириб олишибди.

Ана шу ариза асосида 2005 йил 16 ноябрда туман ҳокими ўзининг 577-сонли қарори бўйича фермер хўжалигини тугатиб, орадан тўққиз кун ўтгач, 309-контурдаги 69 гектар экин майдонини қайта тендерга киритмасдан, 663-қарор билан тўғридан-тўғри "Оқолтинлик миришкор" фермер хўжалигига қўшиб юборди.

Пахта сотиш режаси ортиғи билан уддаланган, қолаверса, фермер хўжалиги раҳбари бўла туриб нега ўғлидан бундай мазмунда ариза ёздириб олишганига аниқлик киритиш учун кетадиган вақтини қизғаниб, кузнинг ҳар дақиқасини ғанимат билган раҳбар жамоаси билан буғдойни ундириб, кузги-қишки юмушларни жадаллаштираётган кунларнинг бирида ҳокимлик таркибидаги комиссия ташриф буюрди. Қарор рўкач қилиниб, ихтиёридаги ер мажбурий қайтариб олинди ва шу жойнинг ўзида "Оқолтинлик Миришкор" фермер хўжалигига ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Шу тариқа ширкатда бир умр меҳнат қилиб, мулкдор бўлиб, фермер нимага қодирлигини амалда кўрсатаман, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшаман, дея ният қилган асл деҳқонни қўллаб-қувватлаш ўрнига ноқонуний қарор билан унинг фаолиятига чек қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

